



Mustaqillik bayrami muborak!

Qarshi

Kuch — bilim va tafakkurda!

Ijtimoiy-ma'rifiy gazeta

universiteti

Gazeta 1966-yildan
chiqa boshlagan.
2025-yil

28-avgust № 7-8 (1124-1125)

Хеч шубҳасиз, 1991 йил 31 августда мард ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва азму қарори билан қўлга киритилган миллий истиқлолимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ислохотларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги тарихий шароитда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

Кадрли ҳамкасблар, азиз талабалар!

Ҳар бир миллат, мамлакат тараққиётининг энг муҳим ва бош омили — шубҳасиз мустақилликдир. Ҳақиқатан, ҳурлик шабадалари кўкрагига уриб турган, эркинлик нафасини бутун вужуди билан туйган халқ ҳар томонлама юксалади. Ана шу ҳурлик неъматини ўзбек халқи ҳаётини тубдан янгилади, ўз тақдирини ўзи ҳал эта олиш имконини берди, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдек шарафли тухфани инъом этти, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қайта тиклашдек бахтни тортиқ қилди. Муҳтарам юртбошимиз “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ҳақли эътироф қилганидек, “Дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги шу мамлакатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, ўз халқининг тинч ва фаровон ҳаётини, унинг энг муҳим манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган мустаҳкам сиёсий-ижтимоий замин ва куч-қудрат манбаидир”.

Бугунги кутлуғ лаҳзаларда бутун университет жамоасини энг улуғ ва энг азиз байрам - Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклашдан қалбимда юксак фахр-ифтихор туяман.

Юртимизда истиқлол тантаналари ҳар йили ўзгача руҳ ва шуқуҳ билан қарши олинади. Жорий йилда мустақилликнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояси остида ўтказилиши барча юртдошларимиз қатори университет жамоасини ҳам беҳад қувонтиради. Қолаверса, мазкур ғоя остида “Она диёр — ранглар жилосида”, “Ватан учун яшайлик!”, “Энг улуғ, энг азиз” каби анъанавий кўрик-танловларнинг ҳам ташкил этилиши қалбида ватанга муҳаббат ҳисси билан яшаётган кўпмиллатли халқимиз, айниқса, ёшларимизни янада кўтаринки кайфият билан байрамни қарши олишларига замин яратди.

Учинчи Ренессанс сари илдам одимлаётган мамлакатимиз ҳар бир қадамда эртанги кун эгалари — ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда. Юқорида тилга олинган кўрик-танловлар

ва бошқа бажарилаётган амалий ишлар бунга мисолдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун янги хоразмийлар, берунийлар, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишга катта эътибор қаратилаётгани бутун халқимиз, айниқса, биз каби таълим соҳаси вакиллари қалбини ғурур, ифтихор ва шарафга тўлдирмоқда.

Шуни мамнуният билан айта оламани, йилдан йилга университетимиз жамоаси томонидан эътироф этишга арзирли ютуқлар, муваффақиятлар кўпаймоқда. Албатта, жамоамизнинг бундай ютуқларни қўлга киритишида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганлиги катта аҳамиятга эга. Бугун университетимиз қиёфаси жаҳон стандартларига мос равишда тамомила янгиланди. Олийгоҳимизнинг ташқи қиёфасига назар ташлаган ҳар қандай инсоннинг қалбида шу даргоҳда таълим бериш ва олиш орзуси жўш урмоқда. Жумладан, жорий йилда жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган, катта моддий-техникавий базага эга 1000 ўринли кўркем Хорижий тиллар факультети ўқув биносининг фойдаланишга топширилгани сўзимизга яққол далилдир. Замонавий архитектурага эга, 5 қаватли янги ўқув бинода “Institut Franґais de Karshi” француз тили, Инглиз тили дастурлари, Koica, Немис тили, Рус тили ва Хитой тили марказлари, Эрасмус+ дастурлари офиси, Медиа студия, Синхрон таржима аудиторияси, кенг ва қулай маърузалар заллари, Тиббий муолажа хонаси, Лингафон хоналари, кутубхона, энг сўнги ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланган компьютер хоналари мавжуд. Ўқув, лаборатория хоналари интерактив доскалар, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлангани кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлди.

Университетнинг қиёфасига мос равишда таълимда ҳам янги муваффақиятлар қозонилмоқда. Даргоҳимизда тахсил олаётган талабалар, нафақат, жаҳон стандартларига мос



равишда таълим олмақдалар, балки Халқаро қўшма таълим дастурлари асосида Қарши давлат университети ҳамкорлигида фаолият олиб бораётган қатор нуфузли хорижий олийгоҳларда ҳам ўқишни давом эттириб, таълим дастурларини муваффақиятли яқунламоқдалар. Хусусан, жорий йилда Москва давлат лингвистика университети Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили йўналиши, Белгород давлат миллий тадқиқот университети Ўзга тилли гуруҳларда рус тили, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишлари ҳамда Лингвистика: инглиз тили магистратура мутахассислиги, Н.А.Добролюбов номидаги Нижегород давлат лингвистика университети Лингвистика: рус тили ва Лингвистика: инглиз тили магистратура мутахассисликлари, Янка Купала номидаги Гродно давлат университети Амалий



математика йўналиши битирувчилари дипломларини қўлга киритдилар.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан эса ўнлаб монография, рисола, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг нашр этирилиши, мамлакатимиз ҳамда хорижнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилаётган мақолалар илмий соҳадаги ютуқларимиз, педагогик фаолиятимизнинг самараси экани барчамизни қувонтиради. Ишончим комилки, янги ўқув йилда ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, етук кадрлар тайёрлашдек масъулиятли вазифани адо этиб, янада улкан марраларни эгаллаймиз. Бунинг учун ҳамжиҳатликда бор имкониялардан унумли фойдаланамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, университетда тахсил олаётган иқтидорли, билимли ва зукко талаба-ёшларни аниқлаш, тарбиялаш, уларнинг фан олимпиадаларида муносиб ўринларни эгаллашини таъминлаш, Давлат стипендиялари ва мукофотларига тавсия қилиш ҳамда юксак натижаларга эришишларида университет раҳбарияти Сиз азиз устозлар ва ишчи-ходимларнинг шарафли меҳнатингизга ишонч билдиради.

Кадрли ҳамкасблар!

Сизларни яна бир бор гўзал ва бетакрор Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги ҳамда 2 сентябрь — Билимлар куни муносабати билан муборакбод этишдан бахтиёрман. Сизларга оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, сihat-саломатлик, фаровон ҳаёт, илмий ва мураббийлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб қоламан!

Дилмурод НАБИЕВ,
университет ректори



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНИШ САНАЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг тегишли буйруғи билан олий таълим ташкилотлари ва академик лицейларда янги 2025/2026-ўқув йилини бошлаш саналари тасдиқланди. Унга кўра:

- академик лицейларнинг барча босқич ўқувчилари ва олий таълим ташкилотларининг 1-босқич талабалари учун дарс жараёнлари 2025 йил 3 сентябрдан;
- олий таълим ташкилотларининг 2- ва ундан юқори босқич талабалари учун 8 сентябрдан бошланади.

Олий таълим ташкилотларида биринчи босқичга қабул қилинган талабалар учун "Кредит таълими тизимига кириш" ҳафталиги ҳамда "Талабаликка бағишлов" тадбирлари ташкил этилади.




ҚАРДУ ТАЛАБАСИ ЖИНРДА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАДИ

Қарши давлат университети Физика факультети 4-курс талабаси Ҳикмат Тўракулов 2025 йил феврал-апрел ойларида Россиянинг Дубна шаҳридаги Бирлашган ядровий тадқиқотлар институтида (ЖИНР) 8 ҳафталик STAR дастури бўйича 4000 долларлик тўлиқ грант асосида халқаро амалиёт ўтади.

Амалиёт давомида у экспериментал физика, маълумотларни таҳлил қилиш ва илғор лаборатория техникаси бўйича тажриба ортирди, ЖИНР олимлари билан илмий лойиҳаларда ишлади ва скопус базасидаги журналлар учун мақола тайёрлади. Шуниингдек, турли мамлакат олимлари иштирокидаги семинар ва мунозараларда қатнашди.

Ушбу тажриба унинг касбий салоҳиятини ошириб, ҚарДУ ва ЖИНР ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши кутилмоқда.



ҚАРДУ ТАЛАБАСИ ЁШ ТУРИЗМ ЭЛЧИСИ

11-16 август кунлари Шаҳрисабз туманида "Ёшлар келажак бунёдкорлари!" IV Экология ва туризм халқаро қурултойи бўлиб ўтди. Тадбирда қўшни давлатлар ва республикаимиз ҳудудларидан ёшлар, жумладан, Қарши давлат университети талабалари ҳам иштирок этди.

Қурултойда Ёш туризм элчилари ва ёш-экологларга "Ишонч ёрлиғи" топширилди. Хусусан, ҚарДУ Иқтисодиёт факультети 3-босқич талабаси Азиза Насретдинова Қашқадарё вилояти Ёш туризм элчилари Кенгашида 2025-2026 йилларда фаолият юритиш учун ушбу ёрлиқ билан тақдирланди.



УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИДА УНИВЕРСИТЕТИМИЗНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНДИ

Халқимизда азалдан эзгу қадриятлардан бири ҳисобланган ҳашар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бирдамлик, меҳр-оқибат ва саховатни ифода этувчи ушбу анъана Мустақиллик байрами арафасида умумхалқ хайрия ҳашари шаклида ўтказилиб келмоқда.

Жорий йил ҳам 22-23 август кунлари "Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда ташкил этилган ҳашарда маҳалла гузарлари, кўчалар, қабристонлар, маҳаллалар, ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, эҳтиёжманд аҳолига амалий кўмак кўрсатилди. Қарши давлат университети жамоаси ҳам ҳашарда фаол иштирок этиб, олийгоҳ ҳудудида ободонлаштириш ишларини бажаришди.



ALOQAVENTURES "YAMMIY"GA 15 МИНГ ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТДИ

Қарши давлат университети Иқтисодиёт факультети талабаси Гулрух Исмоилова яратган "Yammiy" - сифатли ва мазали ширинликларни тез ва қулай етказиб берувчи инновацион рақамли платформа ҳисобланади.

Лойиҳа дастлаб Қарши шаҳрида ишга туширилган бўлиб, ҳозирда хизмат ҳудуди босқичма-босқич кенгайиб бормоқда. "Yammiy" орқали мижозлар кондитерлар билан бевосита боғланади, буюртмалар марказлаштирилган тарзда қабул қилинади ва ҳар бир харидорга қулай нарх ҳамда шахсий ёндашув таъминланади.

Платформа аллақачон MVP 1.0 версиясини Play Market'да ишга туширди, 70+ фаол фойдаланувчига эга ҳамда бир неча маҳаллий кондитерлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

AloqaVenturesнинг янги 15 минг долларлик инвестицияси лойиҳа имкониятларини кенгайтириб, минглаб мижозларга кўпроқ ширинлик улашишга хизмат қилади.

Маълумот учун, Startup Garage билан ҳамкорликда яратилган "Yammiy" стартапи жорий йил май ойида "Investorlar kuni" тадбирида ҳам AloqaVentures ташаббуси билан 10 минг доллар инвестиция олган эди.

"ҲОКИМ СТИПЕНДИЯСИ" ТАНЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, бир неча йилдан буён иқтидорли, изланувчан, ўз соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритган ёшлар ўртасида "Ҳоким стипендияси" учун танловлар ўтказилиб келинмоқда. Яқинда, Қарши давлат университети талабалари ўртасида "Ҳоким стипендияси" танловининг 2025-2026 ўқув йили учун саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори И.Бекпулатов иштирокчиларга танлов босқичлари ва қўйиладиган талаблар ҳақида батафсил маълумот бериб, уларга муваффақият тилади.

Ушбу босқичда Қарши давлат университетининг 34 нафар бакалавр талабалари "Ҳоким стипендияси" учун ўз билимларини синовдан ўтказдилар. Номзодларнинг Ўзбекистон тарихи ва Ахборот технологиялари фанларидан билим даражалари махсус комиссия томонидан тест синовлари орқали баҳоланди.

Натижада юқори кўрсаткичларга эришган талабгорлар танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.



ФУТБОЛ ҚОИДАЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР БЎЙИЧА СЕМИНАР

Қарши давлат университетининг "Лочин" жамоаси мураббийлари ва футболчилари иштирокида IFAB томонидан тасдиқланган янги футбол қоидалари бўйича семинар ўтказилди.

Тадбирда 2025/26 йилги мавсум учун 3, 8, 9, 10, 12 ва 14-бандларга киритилган асосий ўзгаришлар видео-материаллар орқали таҳлил қилинди ва кенг тушунтирилди.



Мазкур семинар футболчиларнинг назарий билимларини ошириш, профессионал ёндашувни мустаҳкамлаш ҳамда янги қоидаларга мослашувини тезлаштиришга хизмат қилади.

ҚАРДУ МАГИСТРАНТИ "CLIMATE EDUCATION" ЛОЙИХАСИДА ҚАТНАШДИ

Қарши давлат университети Микробиология мутахассислиги 2-курс магистранти Зухриддин Махрамов жорий йилнинг 13-18 август кунлари Қирғизистон Республикасида ўтказилган "Climate education" халқаро лойиҳасида иштирок етди. Лойиҳа Teach for Kyrgyzstan, Teach for Kazakhstan va Teach for Uzbekistan ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилиб, Марказий Осиёда иқлим бўйича етакчилиكنи мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий ҳамкорлиكنи ривожлантиришни кўзлаган.

Мазкур ташаббус иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган умумий муаммоларни енгиб ўтишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.



МАҚСАД, МАСЪУЛИЯТ ВА МУВАФФАҚИЯТ

Инсон ҳаётида таълим ва тарбия энг муҳим қадриятдир. Қарши давлат университетида ўтган тўрт йиллик таҳсил даврида нафақат билим, балки ҳаётий тажриба, сабр-тоқат ва эзгу мақсадларга интилиш мактаби бўлди.

Талабалик йилларим давомида устозларим сабоқлари, илмий изланишларим ва китобларга бўлган муҳаббатим туфайли қатор ютуқларга эришдим. Жумладан, Республика миқёсида ўтказилган китобхонлик танловида 1-ўринни эгаллашим, шунингдек, Вилоят ҳокими стипендияси ва Давлат стипендиясини қўлга киритишим менинг ҳаётимда катта воқеа бўлди. Бу эътирофлар менда янада масъулият ва янги марраларни забт этиш иштиёқини уйғотди.

Бугун эса яна шу даргоҳда ўқишни давом эттиришим, яъни магистратура босқичига қабул қилинганлигимдан фахрланаман. Бу - илмий изланишларимни давом эттириш, билим ва тажрибамни янада бойитиш, жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшиш йўлидаги навбатдаги босқичдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эришган барча муваффақиятларимнинг замирида устозларимнинг машаққатли меҳнати, самимий маслаҳатлари ва фидокорона сабоқлари мужассам. Уларнинг қўллаб-қувватлаши, илмий ва маънавий йўл-йўриқлари мени ҳар доим изланишга, янгилик сари интилишга ундади.

Қарши давлат университети менинг таълим масканим, фахрим ва илҳом манбаимдир. Бу даргоҳда ўқиб, билим ва маънавиятимни мустаҳкамлаш, ютуқларга эришиш мен учун катта шарафдир. Эндиликда мақсадим — устозларим ишончини оқлаш, илмий изланишларимни янада чуқурлаштириш ва Ватанимиз равнақи йўлида муносиб хизмат қилишдир.

Исмигул САМАДОВА,
Филология факультети 1-босқич магистранти



Коррупцияга қарши кураш — барқарор тараққиёт кафолати

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ВА ГЛОБАЛ СТАНДАРТЛАРГА ИНТЕГРАЦИЯ

Коррупция — тараққиёт ва яхши бошқарувга тўсиқ бўладиган глобал иллат саналади. Коррупция на бир соҳани, на миллатни танлайди. Бу иллат мавжуд бўлган ҳар қандай тизимнинг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлади. Жаҳон банки 2024 йилги маълумотларига кўра, коррупция туфайли глобал иқтисодиёт йилига 3 триллион АҚШ долларигача зарар кўради. Ўзбекистон ҳукумати томонидан коррупцияга қарши кураш миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг стратегик йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 5 март кuni ўтган кенгайтирилган йиғилишда коррупцияни "ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ" сифатида баҳолаб, бу муаммо миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун бевосита хавф эканини таъкидлади.

Ўзбекистон коррупцияга қарши кураш соҳасида тизимли қонунчилик асосларига таянган ҳолда иш олиб бормоқда. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун (ЎРҚ-419, 2017) ва унга киритилган ўзгаришлар (ЎРҚ-683, 2021) мазкур соҳада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. 2025 йилда эса иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди: Президент фармони (ПФ-71,

21.04.2025); Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида шаффофликни таъминлаш, мансabdорларнинг мол-мулкни декларация қилиш каби чора-тадбирларни кўзда тутати.

Президент қарори (ПҚ-147, 21.04.2025): Давлат органлари ва корхоналардаги ички назорат бўлинмаларининг мустақиллигини кучайтириш ва уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган.

Фармон ва қарорларда куйидаги асосий устувор йўналишлар белгиланди:

— Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида шаффофлик: Бозор нархидан оғиш билан амалга оширилган харидлар учун мансabdорлар жавобгарликка тортилади;

— "Шаффоф қурилиш" тизими: Давлат қурилиш лойиҳалари ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар иштирокидаги лойиҳаларни рақамли мониторинг қилиш тизими кенгайтирилади;

— Ички назорат бўлинмаларининг мустақиллиги: Давлат органлари ва корхоналардаги анти-коррупция бўлинмалари Коррупцияга қарши курашиш агентлигига бевосита бўйсундирилади.

Фуқаролик жамияти иштироки ва ҳуқуқий

онгни ошириш билан коррупцияга қарши курашишда самарали натижаларга тезда эришиш мумкин. Президент таъкидлаганидек, коррупцияга қарши кураш фақат давлат органлари вазифаси эмас - бу бутун жамиятнинг иши. Шу сабаб, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролитобора ортиб бормоқда. Transparency International ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2025 йилда коррупцияни қабул қилиш индексида 138 поғонага кўтарилиб, Марказий Осиёда 1-ўринни, жаҳон бўйича 30-ўринни эгаллади.

Сир эмаски, бугунги кунда ахборот технологияларнинг тез суръатларда ривожланиши ва кенг жамoатчилик ичкарисига осон кириб бориши коррупцияга тортувчи ҳолатларни тарғиб этаётганлар учун ҳам қўл келмоқда. Коррупцияга қарши курашда биз, энг аввало, нафақат билимга эга бўлишимиз, балки замонавий технологиялардан ҳам етарлича фойдаланишимиз керак.

Ахборот технологияларининг кенг ривожланиши натижасида коррупциянинг "рақамли шакллари" пайдо бўлиши кузатилмоқда. Шу боис: 2025/2026-ўқув йилидан ИИБ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар академияларида

"киберкоррупция"га қарши кураш бўйича мутахассислар тайёрланади. Кибермакон доирасида коррупцияни аниқлаш ва олдини олиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, коррупциянинг янги шакллари аниқлаш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши белгиланган.

Ўзбекистон бугун халқаро стандартларга асосланган, илмий-тизимли ва фуқаролик жамияти иштирокига таянган коррупцияга қарши кураш стратегиясини амалда жорий этмоқда. Коррупция бўлмаган жойда ҳақиқий тараққиётга эришиш мумкинлиги эса яқин йилларда ўз тасдиғини топиши кутилмоқда. Коррупцияга қарши кураш — бу оддий чора-тадбирлар мажмуи эмас, балки барқарор тараққиёт кафолати, миллий хавфсизлиكنинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуллас, Президентимизнинг сўзлари билан айтганда: "Коррупция - жамият танасидаги саратон касаллигидир. Уни фақат умумхалқ ҳаракати билангина бартараф этиш мумкин."

Ш.АХМЕДОВ,
Коррупцияга қарши курашиш "Комплаенс-назорат" тизимини бош-қариш бўлими бош мутахассиси

Магистрлик мақоми

ЯНГИ ИМКОНИАТ БИЛАН ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Мен Қарши давлат университетининг Иқтисодиёт факультети, "Инсон ресурсларини бошқариш" йўналиши бакалавр босқичини муваффақиятли якунлаб, бугун яна шу масканнинг магистратура босқичида ўқишни бошлаш бахтига муяссар бўлдим.



Бакалавр даврим давомида университетимизнинг замонавий билим бериш тизими, малакали профессор-ўқитувчиларнинг сабоқлари ва талабаларга яратилган кенг имкониятлар менинг шахсий ва касбий ривожланишимга асосий туртки бўлди. Ўқиш йилларимда Халқаро ва Республика миқёсидаги турли танлов, лойиҳа, конференция ва форумларда иштирок этдим, соҳам бўйича

изланишлар олиб бориб, нуфузли журналларда мақолаларим нашр этилди. 4 йиллик ўқиш даврида илмий изланишларим билан биргаликда, жамоатчилик лойиҳаларида, танловларда, волонтиёрлик гуруҳларида фаол иштирок эттим.

Устозларимдан олган билим, тажрибаларим ва камтарона меҳнатларим сабаб кўплаб танловларда фахрли ўринларни қўлга киритдим. Улардан энг қувонарлиси вилоятимиз ҳокими ташаббуси билан ташкил этилган Ҳоким стипендияси ғолиби бўлдим. Жамоалардаги фаоллигим ва лидерлик қобилиятим туфайли Республика Туризм бошқармаси қошида ташкил этилган, фаол ёшларни бирлаштиришга, уларда туризм соҳаси орқали маданий меъросимиз, тарихимизни тарғиб қилишга, билимларини оширишга қаратилган "Ёш туризм элчилари" Кенгашининг Қашқадарё вилояти Кенгашига раисликдек ишончга сазовор бўлдим. Бундан ташқари, ҳар йили Республика миқёсида ўтказиладиган "Йил талабаси" танловининг университет босқичида "Йилнинг энг фаол тарғиботчи талабаси" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдим.

Буларнинг барчасига эришишимга аввало муҳтарам Президентимизнинг ёшларга оид ислохотлари, уларга яратилаётган имкониятлар, қолаверса, университетимиздаги соғлом муҳит сабабчи бўлди, десам адашмайман.

Бугун яна шу университетни магистратура босқичи учун танлаганимнинг сабаби ҳам шунда: Қарши давлат университети - ўз талабаларининг келажагига содиқ, уларнинг билим ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган юртимизнинг етакчи илмий масканларидан биридир. Мен ушбу даргоҳ орқали ўзимни янада ривожлантириш, илмий изланишлар олиб бориш ва келажақдаги фаолиятимда янги муваффақиятларга эришишни бош мақсад қилиб қўйганман. Албатта, менга билдирилган ишончни оқлаб, янги марраларни забт этаман.

Қарши давлат университети — менинг муваффақиятларимнинг бошланиш нуқтаси ва энг тўғри танловимдир!

Аъзам МУРАТОВ,
Иқтисодиёт факультети 1-босқич магистранти

Истиқлол мадҳи

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Халқ шоириУсмон АЗИМ,
Ўзбекистон Халқ шоири

БАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!

ЭРК

Сен Ватан ҳақида берма кўп савол,
Лоф урма Ватаннинг муҳаббати деб.
Уни мансаб каби айлама ҳаёл,
Ёхуд маърузангга эмасдир у зеб.
Ватан танангдаги жондир, қондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Бу улуг севгида илоҳийлик бор,
Ватанни чин фарзанд фаромуш этмас.
Менга ўз туйғумни ўргатма зинҳор,
Инчунин, кибрнинг бозори ўтмас.
Рост гапни ёлғондан фарқлар ондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Асл қаҳрамон ким ёруғ дунёда?
Ҳоясин таъмага алмашмаган зот.
Чуғурчуқ кўнайса ҳаддан зиёда,
Бургут бўлиб яшаш олий мукофот.
Қул ҳам юртин севса шоҳдир, хондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Гарчи кўҳна замин умум макондир,
Инсоннинг ҳар жойда ёнсин чироғи.
Мўъжаз бўлса ҳамки, кулбанг ошёндр,
Она даргоҳидек унинг қучоғи.
Сен учун поёнсиз қаҳқашондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Азал мусофирдир дунёда одам,
Руҳим гарчи собит, муаллақ танзим.
Бир умр қўйнингда муқим турсам ҳам,
Соғиниб яшадим сени, Ватаним.
Меҳр бир, нафрат ҳам бир томондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Майли суймасинлар мени ғанимлар,
Йўлимни тўссинлар рақиблар ҳатто.
Ватан ҳар қайда ҳам маёқдек имлар,
Фурурим юксалар самогача то.
Ҳеч кимга бергусиз доврўғ, шондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Бандадан кутмагин эрк,
Кўнгилга туш, кўнгилга —
Кўнгилга ўзингни эк,
Ўзингни айлагин берк —
Дил ичида кўм гўлга.

Эрк истама дунёдан,
Эркини ўзингдан сўра.
Ғаминг бўлса зиёда,
Ёлвормагин зиёга —
Йўлга жонингни ўра.

Эрк — манзилмас. Эрк — йўлдир
Юру кутгин, юру кут...
Кимнингдир йўли ўнгдир,
Кимнингдир йўли сўлдир —
Ғашланма дилни кўндир
Ва ўзингни маҳкам тут.

Тангрининг равиши мўл,
У ҳамиша холисдир.
Беэркка сен ғамхўр бўл —
Унинг йўли олисдир.

Тарихий-меъморий ёдгорликлар эътиборда




МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг она диёримизнинг тарихини ўрганишга, у ҳақида ҳолисона фикрлар билдиришимизга кенг имкониятлар пайдо бўлди. Шу билан бирга, Ватанимиз ҳудудидаги минглаб тарихий-меъморий ёдгорликлар, кўҳна иншоотларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари учун ҳам кенг йўллар очилди. Ўзликни англаш, ҳаққоний тарихни тиклаш ва янгиланаётган Ўзбекистон тарихини яратиш ҳақида сўз кетганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаганлар: "Янги Ўзбекистонни барпо этиш — яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир".

Қашқадарё вилояти ҳудудида минг йиллар аввал барпо этилган ва бугунги кунга қадар етиб келган ўтмиш мерос дурдоналарини қайта тиклаш ва таъмирлаш билан боғлиқ амалиётлар уч йўналишда амалга оширилган. Биринчи йўналиш мозийда ушбу минтақаларда яшаб ўтган буюк саркардалар, мутафаккирлар, авлиёлар, шайх ва пирларнинг таваллуд саналарини нишонлаш муносабати билан амалга оширилган. Иккинчи йўналиш эса вилоят ҳудудларидаги кўҳна шаҳарларнинг юбилей саналари кенг миқёсда нишонланиши муносабатлари билан.

Қарши шаҳри ҳам мамлакатимизнинг деярли уч минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу кўҳна масканда 60 тадан ортиқ ўтмиш мерос дурдоналари сақланаётган бўлса, улардан 28 таси археологик объектлар, 6 таси монументал ёдгорлик, 1 таси диққатга сазовор жой саналса, 25 таси тарихий-меъморий иншоотлар саналади.

Мазкур қадимий шаҳар ҳудудида жойлашган бир нечта тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, қайта тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш ишлари Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилей



тантаналари муносабати билан амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги №452 ва Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2004 йил 15 октябрдаги №Х-417/10 сонли "Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари асосида шаҳарнинг регистон майдонидаги Одина масжиди, эски сардоба, Хўжа Абдулазизбой ҳамда Бекмир қозоқ (Бекмуродбой) мадрасаларида таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

Қарши шаҳри ҳудудида жойлашган тарихий-меъморий ёдгорликлардан яна бири Кўкғумбаз жомеъ масжиди бўлиб, 1957, 1971, 1975 йилларда қисман, 1982 йилда эса обида кенг кўламда таъмирланган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йилда воҳадаги бир қатор қадимий объектлар билан биргаликда ушбу иморатда ҳам самарқандлик уста меъморлар томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан Одина, Наво,

Хонақоҳ, Кум қишлоқ, Косон туманидаги Чорғумбаз масжидлари, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ, Муборак туманидаги Муборак ал-Марвазий муқаддас қадамжолари, Шаҳрисабз шаҳридаги Ҳазрати имом каби қарийб 20 тадан ортиқ тарихий-меъморий иншоотларда кенг кўламдаги таъмирлаш, қайта тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш ишлари бажарилди.

Шаҳрисабз шаҳрида 1993 йил 5 январда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек номлари билан боғлиқ тарихий-меъморий ёдгорликларни таъмири бўйича ҳамда Жаҳонгир мақбараси қолдиқларини гидрогеологик шароитини ўрганиш, уни муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек юбилейи муносабати билан 1993 йилда қадимий ёдгорликларни ўрганиш бўйича экспедиция уюштирилиб, Шамсиддин Кулол, Кўкғумбаз масжиди, Дорул-тиловат, Гумбази Саййидон мақбарасини таъмирлаш учун жами 106,4 млн сўм сарфланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 декабрдаги "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги 630-сонли қарорига асосан,

1995 йилда "Тарихий обидаларни илмий таъмирлаш" Шаҳрисабз корхонаси томонидан Оқсарой биносининг арк қисми таъмирланиб иншоотнинг айрим қисмларида консервация амалиётлари амалга оширилди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан таъмирланган яна бир тарихий-меъморий иншоот Чубин мадрасаси ҳисобланади. Мадраса XVI-XIX асрларга тегишли бўлган ёдгорликлар мажмуасининг бир қисми бўлиб, қадимий иморат бугунги кунга қадар бир неча бор таъмирланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002-йил 29-март куни қабул қилинган "Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги 102-сон қарори билан шаҳар ҳудудида жойлашган бир қатор тарихий ёдгорликлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳам қадимий объектларни таъмирлаш ишлари белгиланган.

Мазкур қарор асосида, Чубин мадраса иншоотини тузатиш ва таъмирлаш, кўҳна обида ён атрофларини кўкаламзорлаштириш ишларига жами 80 миллион сўм пул маблағлари ҳисобига кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган тарихий-меъморий иншоотларни таъмирлаш ва қайта тиклаш, ноёб мажмуалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш учун жами бир миллиард уч юз миллион сўмга яқин пул маблағлари ажратилган.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ҳудудларида неча асрлар давомида бунёд этилган тарихий-меъморий ёдгорликларни мустаҳкамлаш, тузатиш, таъмирлаш ва қайта тишлаш орқали келгуси авлодларга етказиш бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Очил БҮРИЕВ,
ҚарДУ профессори,
Фахриддин САМАРОВ,
Қарши халқаро университети
ўқитувчиси.

АМЕРИКАДАГИ БЕШИК ВА ЎЗБЕК ФАРЗАНДИНИ "ЙЎҚОТИБ ҚЎЙИШ" ХАВОТИРИ — ВАТАН ҲАҚИДА ИККИ ТАЪСИРЛИ ҲИКОЯ

Ватан! Унга таъриф, меҳр ҳар бир юракда бўлакча. Кимдир уни ошкор, кимдир пинҳон севади. Ватан қадрини мусофир инсончалик ҳеч ким англамаса керак. Не-не буюк зотлар, Бобуру, Фурқатлар тақдири — тарихнинг бунга ёрқин мисоллари. Сиз-у биз яшаётган замонда ҳам мусофирликни ўзи ёки яқинининг қисматида ҳис этган юртдошларимизнинг Ватан ҳақидаги юрак тубидан чиққан энг самимий фикрларига қулоқ тутдик. Уларнинг мўжаз ҳикояларида орамиздаги кичик, оддий инсонларнинг Ватанга бўлган КАТТА ва САМИМИЙ муҳаббатлари акс этган. "Oyina.uz" Ватан ҳақида икки юртдошимизнинг таъсирли ва самимий ҳикояларини тақдим этади.

**"Ойи, телефонга
яқинроқ ўтиринг,
кўзларингизни яқиндан
кўргим келяпти"**

Гулнора Нишонова — доцент, корпоратив ва медиакоммуникациялар соҳаси бўйича мутахассис:

"Ватанимни севаман" деб очикча, ҳиссиз айтилган гапларга унчалик ишонмайман. Негадир тўғридан тўғри, дангал айтилган бу иборада сохталик бордек...

Том маънода севишини ҳис қилган одам бу туйғуни бошқача ифодалайди, ёки кўрсатади. Эсимда, тўнғич ўғлим Тошкент Халқаро Вестминстер университетида ўқиб юрган кезлари бироз "ғарбпараст" бўлиб қолганди, кийиниш услуби, поп, рок мусикаларига қизиқиши ортиб, ҳатто "Work and travel" дастури билан АҚШга кетаётганида мен сумкасига солмоқчи бўлган озроқ майиз, ёнғоқ, туршак ва нонни олиб кетишдан бош тортиб сафарга ошиққанини эслайман. Тўрт ой мусофирчилик уни буткул ўзгартирди. Сафарини якунлаш арафасидаги онлайн суҳбатимизда уни танитай қолдим. "Ойи, телефонга яқинроқ ўтиринг, кўзларингизни яқиндан кўргим келяпти, сизларни жуда соғиндим, нон ва ёнғоқларингизни олиб кетмаганимга минг пушаймонман" деди. Хонасининг бурчагида кичкина байроқ — Ўзбекистон байроғи илинган эди. Мен тарбиялаб сингдира олмаган Ватан туйғусини, мусофирчилик, соғинч тарбиялаганига ҳайрон қолдим. Бу туйғу мана шундай ифодаланса керак.

Болам бир неча йилдан сўнг магистратурада ўқишга яна Америкага йўл олди. Тақдир тақозоси билан ўша ерда ўзбек қизига уйланди. Бир йил ўтиб ўғил набирали бўлди. Халқимизнинг чиройли удумлари бор: азон айтиш, чиройли исм қўйиш, суннат қилиш, бешикка ётқизиш... Ҳамма удумлар рисоладек бўлди, навбат бешикка келди. Америкада бешик қаёқда дейсиз? Топилса ҳам жуда қиммат. Бу борада "Ўзбекистонда болалар бешикда ётишмаяптию, нима кераги бор ортиқча нарсани?" дейдиганлар ҳам топилди. Йўқ, менинг неварамнинг ҳам ўз бешиги бўлиши керак, ҳамма ўзбек болалари каби бешикда ётиб катта бўлиши керак. Шундай ўйлар билан Чорсу бозорига тушиб набирамга дўппича, яхтакча ва бешик олдим. Бешикни қисмларига ажратиб ихчам тарзда қадоқлатдим. Оллоҳ ниятга қараб бераркан, уни Америкага олиб кетадиган саховатли одам ҳам чиқди. Уч кун ичида набирамга бешик етиб борди. Болажоним бешик торлик қилгунча унда ётди, ватанда бўлмаса ҳам, ватандан эсдалик бешик уни бағрида катта қилди. Шунини ният қиламанки, у ватанини севадиган йигит бўлиб вояга етади. Чунки у бешикда ётган...

Юр қадри

"Alloh, Danke!"

Маърифат Нур — журналист:

Ватан мен учун бугунга келиб жуда муҳим изоҳлар билан тасвирланади... Германияда яшаётганимнинг биринчи йилида у бор йўғи соғинч эди. Ҳа, ўша мурут дарахти тагидаги супада ўтириб, менга ҳафтада 1-2-марта қўнғироқ қилувчи, антенна излаб, ҳовлининг у бошидан бу бошига югурувчи кексагина ота-онамнинг, юртимнинг соғинчи...

Кейин эса, хорижда фарзандларим дунёга келди. Илк қадамчалар, илк сўз... Биз уйда ўзбек тилида гаплашсакда, фарзандларим боғчадан немис тилини ўрганиб келади. Икки ёшли Билолга таом еб бўлгач омин қилиш учун, тили келишсин деб энг қисқа дуони ўргатдим. Қўлчаларини очиб "Аллоҳга раҳмат" дея бошлади. Аммо бир-неча кундан сўнг у "Аллоҳ, данке! (раҳмат)" деди. Икки тилни аралаштирмай гапиришини қанча тайинламай, у "йўқ" дея хархаша қиларди. Мана шундан сўнг мен учун "Ватан" сўзи "хавотир" деган сўз билан ёндош бўлиб қолди. Ўзбек фарзандини "йўқотиб қўйиш" хавотири... Бир кун келиб, на ўзбек, на немисга ўхшатиб бўлмайдиган, миллати йўқ инсонларни ўстириб қўймасмиканман деган фожиавий хавотир мени огоҳликка чорлаб яшамоқда.



Ижтимоий тармоқлар, интернет саҳифалар орқали Ватанимиздаги ислохотлар, кескин ривожланиш жараёнларини кузатиб бораман. Охириги йилларда халқимизда сўз эркинлиги, дин, эътиқод эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлар кафолати анча юқори даражада ижобий томонга ўзгарган. Ўзбекистонга бориб, халқимизга дастурхон ёзиб, фарзандларимизнинг суннат тўйларини ўтказиб келдик. Қариндош, танишларимизнинг кўпчилиги ҳаёт-тарзи яхши томонга ўзгарганига гувоҳ бўлдим. Оддий ишчи ҳам сиёсий воқеалар борасида фикрлай оладиган, ижтимоий жараёнларга муносабат билдира оладиган бўлиб қолибди. Бу ҳолат бизни қувонтирди, албатта. Аммо ҳар икки хонадондан бирида ота ёки онанинг чет давлатларга ёлланма ишчи бўлиб кетаётгани, эвазига келажак эгалари бўлган фарзандлар т а р б и я ч и с и з қолаётгани, оилалар тотувлигига путур етаётгани, ишсизлик муаммолари, кадрлар масаласи ҳали-ҳануз ечимсиз қолаётгани бир ватандош сифатида менинг ҳам дилимни хира қилиб туради.

Илм истаб хориж мамлакатларига чамадонини йиғиб кетаётган минглаб ўзбек ёшлари ҳақида гап кетса, қувонишни ҳам, ранжишни ҳам билмай қоламан. Гўё биз чет элларга "ақл экспорт" қилаётганга ўхшаймиз назаримда. Грантлар, имтиҳонлар асосида энг сара ёшларнинг "positive" сабаб билан ватанни тарк этаётгани ва уларнинг қанча фоизи қайтиб келиш эҳтимоли ҳақидаги ҳаёллар мени ташвишлантиради.

Яхши ниятларни умид қилган ҳолда, аста-секин равнақ пиллапояларини забт этаётган Ватанимда янги-янги Берунийлар, Ибн Синолар етишиб чиқиб, "Маъмун академия"ларини қайта тиклаб, шонли тарихимизни келажакда ҳам янгидан яратишларига умид қиламан.

OYINA.UZ МУХБИРИ ИНОБАТ АХАТОВА ТАЙЁРЛАДИ





ЎЗБЕКИСТОНДА STARLINK ИНТЕРНЕТИ 2026 ЙИЛДА ИШГА ТУШИШИ КУТИЛМОҚДА

Илон Маскка тегишли SpaceX компаниясининг Starlink сунъий йўлдош интернет хизмати Ўзбекистонда 2026 йилдан бошлаб ишга тушиши кутилмоқда. Бу ҳақдаги маълумот билан Starlink сайтида танишиш мумкин.


Унда хизматнинг ишга тушиш муддати 2026 йил деб кўрсатилган.

"2025 йил 13 августдан бошлаб Старлинк компанияси Қозоғистон Республикаси ҳудудида сунъий йўлдош интернет хизматларини тақдим этишни расман бошлайди. Бунинг натижасида мамлакат аҳолиси SpaceX компаниясига тегишли Starlink паст орбитали сунъий йўлдошлари тармоғи орқали юқори тезликдаги ва ишончли интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади", деб хабар берди Қозоғистон Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги.

Илон Маск томонидан асос солинган SpaceX таркибига кирувчи Starlink компанияси технологияси ҳатто энг чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳам барқарор уланишни таъминлайди.

ОЛИМЛАР ТАБИАТ УЧУН ЗАРАРСИЗ ПЛАСТМАССАНИ ИХТИРО ҚИЛДИ

АҚШ Флорида университети мутахассислари захарли ингредиентларсиз биопарчаланувчи полиуретан олишнинг янги усулини тақдим этди.



Доцент Хо Ен Чонг жамоасининг ишланмаси ўсимликларнинг хужайра деворларидан олинган табиий полимер лигнин, шунингдек, карбонат ангидриддан фойдаланади, бу эса жараёни экологик тоза ва энергия тежамкор қилади.

Анъанавий полиуретан захарли ва соғлиқ учун хавфли бўлган изоцианатлар ёрдамида ишлаб чиқарилади. Янги усул тайёр материалнинг мустаҳкамлиги, иссиқликка чидамлилиги ва эластиклигини сақлаб қолган ҳолда улардан фойдаланишни бутунлай истисно қилади.

Бундан ташқари, олинган биопластикни қайта ишлаш осонроқ: у органик эритувчиларда эрийди, бу эса унга кўплаб бошқа турдаги "яшил" полимерлардан устунлик беради.

Ишланманинг алоҳида аҳамияти шундаки, у целлюлоза-қоғоз саноати чиқиндиларини қимматли ресурсга айлантириб, улардан фойдаланиш имконини беради.

Усулнинг оммавийлиги саноатда жорий этиш учун истиқболлар очади. Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, синтез босқичлари сонининг қисқариши ва энергия сарфи янги полиуретанни янада арзон ва экологик жиҳатдан фойдали қилади.

Colossal Biosciences компанияси қирилиб кетган ҳайвон турини тирилтириш билан боғлиқ биринчи муваффақиятли тажрибани эълон қилди: олимлар ваҳший бўри болаларини кўрсатди. Ушбу тур Шимолий Америка ҳудудида яшаган ва 10 минг йил олдин қирилиб кетган. Аммо баъзи мутахассислар компания муваффақиятини тан олишни истамаяпти ва бу аслида йўқолиб кетган турнинг қайта тикланиши эмас, балки гибрид эканини таъкидламоқда. BBC воқеалар ривожини жамлади.

Кўриқхонадаги ваҳший бўрилар
Ваҳший бўри (Aenocyon dirus) Жорж Мартиннинг "Муз ва олов кўшиғи" китоблари ва улар асосида суратга олинган "Тахтлар ўйини" сериали туфайли маданиятда оммалашди.

Colossal Biosciences ўзининг сўнгги ютуғини шов-шув билан эълон қилди: Рем исми ваҳший бўри TIME журнали муқовасида пайдо бўлди.

Компания кулранг бўрининг (Canis lupus) ДНК тизимига ўзгариш киритди. Кейин катта итлардан

Бу қирилиб кетган турнинг тикланишими ёки гибридми?

Қирилиб кетган турларни тирилтириш — ноёб турларни сақлаб қолиш билан бир қаторда Colossal Biosciences компаниясининг асосий мақсадларидан биридир. Март ойида улар дунёни қалин жунли сичқонлар билан ҳайрон қолдирганди. Бу мамонтларга яқинлаштириш учун генлари ўзгартирилган лаборатория сичқонлари эди.

Аммо баъзи мутахассислар

ОЛИМЛАР 10 МИНГ ЙИЛ АВВАЛ ҚИРИЛИБ КЕТГАН ВАҲШИЙ БЎРИНИ ТИРИЛТИРГАНИНИ ДАЪВО ҚИЛМОҚДА

суррогат сифатида фойдаланган ҳолда, "кесарча кесиш" йўли орқали учта бўри боласини дунёга келтирди.

Ромул ва Рем 2024 йил 1 октябрда туғилди ва афсонага кўра, она бўри томонидан эмизилган ҳамда Рим шаҳрига асос солган ака-ука шарафига номланди. Урғочи бўри Кхалиси 2025 йил 30 январда туғилди ва "Муз ва олов кўшиғи" ҳамда "Тахтлар ўйини" қаҳрамони номи билан аталди.

Кулранг бўри болалари билан солиштирганда, Рем, Ромул ва Кхалиси елкаси кенг, бош суяги ва жағи каттароқ, оёқларидаги мушаклар кўпроқ. Аммо энг сезиларли фарқ уларнинг оппоқ мўйнасидир.

Ҳозир жониворлар Colossal Biosciences компаниясига тегишли 800 гектарлик экологик кўриқхонада яшайди. Компания генетик модификациялар кутилмаган таъсир кўрсатдимми ёки йўқлигини билиш учун уларни бутун ҳаёти давомида диққат билан кузатиб боришни режалаштирмоқда.

14 гента 20 та модификация

Ваҳший бўрини "тирилтириш" учун Colossal Biosciences олимлари кулранг бўрининг 14 та генига 20 та ўзгартириш киритди. Аммо уларга қайси генларда қандай ўзгаришлар қилишни аниқ тушуниши учун қирилиб кетган турнинг намунаси керак эди.

Олимлар музейлар томонидан тақдим этилган иккита намунадан фойдаланди. Улардан бири Охайо штатида топилган ваҳший бўрининг тиши бўлиб, ёши тахминан 13 минг йил. Иккинчиси Айдахо штатида топилган суяк, унинг ёши 72 минг йилга баҳоланади.

А н ъ а н а в и й клонлашдан фарқ қилган ҳолда Colossal Biosciences ҳайвон тўқималари намунасидан фойдаланмади, балки керакли генларни ажратиш учун кулранг бўри қонидан фойдаланди. Бу жараён камроқ инвазивдир.

Компания айна технологиядан ҳозир йўқ бўлиб кетиш арафасида турган чиябўриларни клонлаш учун фойдаланган. Дунёга келган чиябўри болалари ваҳший бўричалар билан бирга кўриқхонада яшамоқда.



компания сичқончадан мамонтгача бўлган жуда узоқ йўлни босиб ўтиши кераклиги ҳақида кўп гапирди ва умуман олганда, мамонтларни "тирилтириш" имконияти ва бундай ғоянинг ахлокий томонига шубҳа билдирди. Аммо жундор сичқонларни яратишда фойдаланилган технология одамлардаги генетик касалликларни тушуниш ва даволашда ёрдам бериши мумкин, деди олимлар.

Илмий ҳамжамият ваҳший бўриларга ҳам худди шундай муносабат билдирди.

Янги Зеландиядаги Отаго университети палеонтологик Ник Роуленснинг сўзларига кўра, қолдиқ суяклардан олинган ДНКга таяниш клонлаш ёки биологик нусха олиш учун ишончли усул эмас.

"Colossal компанияси ваҳший бўрининг баъзи хусусиятларига эга кулранг бўрини дунёга келтирди, катта бош суяги ва оқ мўйна каби. Бу гибрид", деди Роуленс.

Аммо Colossal Biosciences

Интернет хабарлари

биологи Бет Шапиро компания "қирилиб кетган турни тирилтириш"га эришганини таъкидламоқда.

"Кулранг бўри — ваҳший бўрининг энг яқин қариндоши, улар генетик жиҳатдан жуда ўхшаш", деди у.

Роуленс бу фикрга қўшилмайди. "Бу мутлақо бошқа тур", деди у ва кулранг бўрининг ажодлари ваҳший бўридан 2,5-6 миллион йил олдин ажралиб чиққанини қўшимча қилди.

Бошқа олимлар ҳам Colossal Biosciences бўричаларини ваҳший бўри деб аташга иккиланмоқда.

"Қирилиб кетган турни тўлиқ тиклаб бўлмайди. Ҳозир қилиш мумкин бўлган ягона иш — шунга юзаки ўхшаш турни яратишдир", деди Баффало университети биолог Винсент Линч.

Шарқий Англия университети профессори Андерс Бергстрём ҳам унинг фикрларига қўшилди.

"Мен бундай жонивор ваҳший бўри эмас, деб айтган бўлардим ва ваҳший бўри тирилтирилди дейиш нотўғри. 20 та модификация мутлақо етарли эмас. Лекин сиз ғалати кўринишдаги кулранг бўрини олишингиз мумкин", деди у.


Бет Шапиро бундай изоҳларга тайёр эди. "Энди бу ҳайвонларни ваҳший бўрилар ёки бошқа нарса деб аташ ҳақида фалсафий баҳслашамиз", деди у.

Ундан бўричаларни бевосита ваҳший бўри деб тасдиқлай олиши ҳақида сўралганда, олим бироз иккиланиб қолди — лекин барибир буни қилди.

"Бу ваҳший бўрилар", деди Шапиро. "Шуни ҳис қияпманки, мен буни айтишим билан барча таксоном дўстларим (ҳайвонлар классификацияси бўйича мутахассислар): "Бўпти, энди у билан алоқам бўлмайди", дейиши мумкин. Лекин бу кулранг бўри эмас. Бу кулранг бўрига ўхшамайди".

Нима учун терминология кўплаб олимлар учун жуда муҳим?

"Чунки қирилиб кетиш — бу абадий. Агар қирилиб кетиш бўлмаса, хатолардан қандай сабоқ олишимиз мумкин? Наҳотки, сабоқ — биз атроф-муҳитни вайрон қилишимиз, ҳайвонлар қирилиб кетиши, сўнгра, уларни қайта тирилтиришда бўлса?" деб тушунтирди Роуленс.



56,7 БАЛЛДАН КАМ ТЎПЛАГАНЛАР ҲАМ СУПЕР-КОНТРАКТДА ЎҚИШИ МУМКИНМИ?

Минимал ўтиш баллидан кам тўплаган абитуриентлар супер-контрактнинг 2 баробарини тўлаши керак. Масалан, абитуриент 54 балл олди. Кириш бали эса 57 балл бўлди. Бу ҳолатда 3 балл етмаган бўлса, 4 баллик шкала доирасида супер-контракни камроқ тўлайдими, деган савол туғилиши мумкин. Агар 56,7 баллдан кам тўпланган бўлса, демак икки карра кўпроқ супер-контракт тўланади. Кириш балига қанча етмагани эса аҳамиятсиз.

Шунингдек, яна шундай саволлар ҳам туғилиши мумкин. Агар абитуриент 54 балл олди. Кириш бали эса 57 балл бўлди. Шунда 3 балл етмаган бўлса, 4 баллик шкала доирасида супер-контракни камроқ тўлайдими?

Бу ҳолатда 56,7 баллдан кам тўпландими, тамом, бунақада икки карра кўпроқ супер-контракт тўланади. Кириш балига қанча етмагани аҳамиятсиз.



"СУПЕР-КОНТРАКТ" ҲАҚИДА ЭНГ КЎП СЎРАЛГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР

Ўқишни кўчириш имтиҳонларида етарли балл тўплай олмаган бўлса ҳам талабгорлар супер контракт асосида ўқишни кўчиришлари мумкин.

Супер-контрактнинг 4 баллгача шкаласи қуйидагича:

- ўтиш балига 1,05 баллгача етмаган абитуриентлар учун - базавий тўлов-контракт миқдорининг 1,5 баробари;

(масалан, контракт 10 млн сўм бўлса, 1 баллгача етмаганлар 15 млн сўм тўлайди);

- 1,06 баллдан 2,05 баллгача - 2 баробари;

- 2,06 баллдан 3,05 баллгача - 2,5 баробари;

- 3,06 баллдан 4,05 баллгача - 3 баробари.

Эслатма: 4,05 баллгача деб ёзилганига кўпчилик чалғимокда ва буни 4,5 балл деб ўйлаётди. 4,05 (тўрт-у юздан нол беш) балл билан 4,5 (тўрт ярим) баллнинг фарқи катта. Ўтиш балл чизигига 4,1 (тўрт-у бир) баллдан кўп етмаган талабалар юқоридаги 4 баллик шкалага тушмайди.

4,1 балл ва ундан кўпроқ етмаганларнинг барчасига (56,7 баллдан баланд бўлса) 8, 10, 12, 15, 17 ва 25 барабар қўлланади.

Супер-контракт билан бир қаторда оддий контракт ҳам қўшиб тўланадими? Биринчи йили фақат супер-контракт суммаси тўланади, оддий (базавий) контракт қўшиб тўланмайди. Иккинчи йилдан бошлаб эса фақат оддий контракт тўланади, супер-контракт тўланмайди.

Супер-контракда ўқишни хоҳлаганлар қайси муддатгача ариза бериши керак?

Ҳали супер-контракт учун аризалар қабул қилиш бошланмаган. Ҳозирча бу борада ОТМларга мурожаат қилишдан натижа чиқмайди. Аризани сентябр ойида, ўқишлар бошлангач онлайн берасиз. Талабгорларга супер контракт миқдори тўпланган баллга қараб ҳисобланади.

Ариза бериш учун ОТМга бориш керакми?

3 йилдан буён супер-контракт учун аризалар онлайн қабул қилинадиган бўлди. Сиз уйингиздан чиқмаган ҳолда интернет орқали ариза юборасиз. Бунинг учун ОТМга келиш шарт эмас. Ариза қабул қилинадиган сайт ишга тушгач, қўшимча хабар қилинади.

Олий таълим янгиликлари

"ОЛТИНЧИ ЙЎНАЛИШ"НИ ТАНЛАШ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ



Шавкат Мирзиёевнинг таълимга оид видеоселекторда илгари сурган янги ташаббуси бўйича кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Қуйида шу ҳақда энг муҳим фактларни билиб олинг:

Қачондан кучга киради?

Ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиевнинг таъкидлашича, янги тартиб 2025 йилдан бошлаб амал қилади. Шу йилги қабул жараёнидан бошлаб абитуриентлар ушбу имкониятдан фойдаланиши мумкин бўлади.

Тартиби қандай бўлади?

Ҳозирча аниқ тартиби тасдиқланмаган. Масъул вазирлик бир нечта вариант устида иш олиб бормоқда. Расмий тартиб тасдиқлангач, қўшимча маълумот берилади.

Кимлар учун?

Бу имконият фақатгина танлаган бешта йўналишига ҳам (на грант, на контрактга) кира олмаган абитуриентлар учундир. Агар бирорта йўналишга қабул қилинган бўлсангиз, бу тартиб сизга тааллуқли эмас.

Бу супер-контрактни?

Йўқ, бу супер-контракт эмас. Бу имконият фақат квотаси тўлмай қолган ўринлар ҳисобидан тақдим этилади. Агар бирор йўналишда барча ўринлар тўлган бўлса, унга олтинчи йўналиш сифатида танлов бўлмайди.

Қайси йўналишни танлаш мумкин?

Олтинчи йўналишни танлашда абитуриентнинг фанлар мажмуаси мос келиши шарт. Масалан, биология фанидан имтиҳон топширган абитуриент юриспруденция йўналишини танлай олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йил ўқишга кира олмаганлар учун қўшимча имконият бўлади, лекин унинг аниқ тартиб-қоидалари ҳали эълон қилинмади.

РАСМАН: ТАЛАБАЛАР ИЖАРА ПУЛИ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ

Ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасаларининг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгилаб қўйилган.

Ариза бериш учун нима қилиш керак?


- kontrakt.edu.uz ахборот тизимидан рўйхатдан ўтилади ва шахсий кабинетга кирилади.

- "Ариза юбориш" тугмаси босилади ва ариза юборилади.

Бунда биринчи босқич талабалари учун жорий ўқув йилининг сентябр ва октябр ойлари учун ижара шартномаси талаб этилмайди.

Иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун ижара шартномаси бўлиши талаб этилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



ЎТГАНЛАРНИ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Психология кафедраси доценти Шамсия Бекованинг опаси София БЕКОВА нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Немис тили ва адабиёти кафедраси доценти Анвар Аҳмедовга акаси Ақбар АҲМЕДОВ нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Туризм ва маркетинг кафедраси ўқитувчиси Лола Бобоевага қайнотаси ҲАМРО БОБОНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси Лингвистика кафедраси ўқитувчиси Малик Ходжаёровга онаси ГУЛНОРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси собиқ Спорт факультети ўқитувчиси Суён ХУДОЙКУЛОВ нинг вафоти муносабати билан яқинлари ва оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.
---	--	--	---	--



Мана уч кун бўлди уста ишлатаётганимга. Ўзим қатори йигит экан. Ишхонага кондиционер ўрнатиш учун эълонларни қидирар эканман, биттаси кўнглимга ўтиргандек бўлди. Кўнғироқ қилишим билан шароитни тушунтирдим.

— Ака, саксон сантиметрлик деворни тешиш керак, қўлингиздан келадими?

— Боплаб ташийман, ока, хавотир омен.

Йигит ишонч билан гапиргани учунми негадир кўндим. Вақтини келишиб, манзилни бердим.

Эртаси эрталабдан телефоним чақирди. Кечаги уста. Исми Рамзиддин экан. Ишни бетон деворни тешишдан бошлади. Бир соатда боплаб ташлайман деган одам кечгача уриниб ҳам деворни теша олмади. Эртаси яна келди, индин яна. Иш кўроли ҳам эскими, дамба-дам бузилади, унга сари асабларим қақшайди. Охири ҳайдаб юбориб, ўрнига устароқ биттасини чақирмоқчи бўлдим. Шу пайт онам телефон қилиб қолди.

— Ҳа, болам, ишларинг юришиб қолдими?

— Бўляпди, ойи, — нима дейишни билмай чайналдим.

— Деворни тешдингларми?

— Ҳа, оз қолди.

— Овқатландингми?

— Энди, ойи...

— Вақтида овқатлан, ўйлама, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳозир дуо қилиб қўяман.

Телефонни ўчириб, устанинг қошига бордим. Ҳалиям кичкина девор тешгичда тариллатиб ётибди.

Бунақада бир ой ишлайди. Мен эса иншоотни топширишим керак.

Йигитнинг олдига бордим, эски

тешгич панд бериб, қийналяпти. Қўллари қавариб кетибди. Шунда ҳам зўр бериб қурилмани деворга тирайди, қани қимирласа!

Онда-сонда цемент аралаш кум тўкилиб қолади...

Иш дегани бунақа бўлмайди. Бошқа, яхшироқ уста топишим керак.

Бир қарорга келдим. Ҳайдаб юбормоқчи бўлиб олдига боргандим Рамзиддиннинг телефони жиринглаб

ДУО

қолди. У тешгичнинг (Ҳикоя)

овозини ўчириб, экранга қаради, сўнг ҳижолат аралаш олмасам бўлмайди, дегандек кўзимга термулди.

— Онам! Кейин телефонининг овоз кучайтиргичини ёқиб, девор тешадиган қурилмасининг тумшугини бураб гаплаша кетди.

— Ассалому алайкум, ойи.

— Ва алайкум ассалом, болам, ишларинг юришиб қолдими?

— Ҳа, мана бўлди, ойи, охири кўриниб қолди.

— Овқатландингми?

— Ҳа онам, биласизу ўзимни хафа қилмайман, қорним тўқ.

— Вақтида овқатлан, ишни ўйлама, ҳаммаси яхши бўлади! Мен ҳозир дуо қилиб қўяман.

— Раҳмат, онам!

Юрагим бошқача бўлиб кетди. Ажаб, ҳамма оналар бир хил бўлар экан-да. Оналаримиз бизга бир хил савол берган, фақат у мендан яхшироқ жавоб берганди.

Шу пайт хаёлимга бир ўй келди. "Бу йигитнинг ҳам онаси кутяпти. Ҳайдаб

юборсам, онасига нима дейди. Ёрдам беришим керак!"

Уста ўртоғимга қўнғироқ қилиб, бир кунга девор тешгич қурилмасини сўрадим. Бир соатга қолмай олиб келдим. Ўзим қарашиб юбордим. Бетон девор ва ниҳоят таслим бўлганди.

Рамзиддин хурсанд. Қоронғу



тушиб қолган бўлса ҳам кондиционерни ўрнатиб, бугун ишни битириб кетмоқчи бўлди. Кўнмадим. Иккимиз ҳам чарчаган эдик. Уни машинада уйига олиб бориб қўйдим. Машинадан тушар экан

— Ака, ёрдам бермасангиз, ўзим эпполмас эканман. Сизнинг гайратингиз билан иш битди, — деди айбдорона.

— Йўқ, дўстим, — дедим унга.

— Биз ҳеч нарса қилмадик. Оналаримизнинг дуоси қўллаб юборди, холос!

Феруза САЛХОДЖАЕВА

БАТАН ВА БАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

БЛОК

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Ж.БАЙРОН

Ўз юртидан юз ўғирганлар ўз виждонларидан ҳам юз ўгирадилар.

Я.ГАЛАН

Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар, — шунинг каби одамлар ҳам қаерда туғилиб парвариш топсалар, — ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар.

Ф.СКОРИНА

Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда катта ҳис... Бу - ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқатиш демакдир.

А.Н.ТОЛСТОЙ

Ким халқ билан унинг қайғусини баб-баравар бўлишиб олмаса, унинг шодлпк байрамида ўзини хўрланган ҳис этиши шубҳасиздир.

Л.Н.ЛЕОНОВ

Кимки умумий фалокат дақиқаларида ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир хаёлга борса, — озод давлатда яшашга ҳақли эмас.

Ф.КЛИНГЕР

Инсон ҳаммадан аввал ўз мамлакатининг фарзанди, ватан манфаатларини дилига жо қилган фуқародир.

В.Г.ВЕЛЕНСКИЙ

Ватанпарвар — ўз ватани камолоти йўлида, ўз халқиға муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган инсондир, халққа ва ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

М.ОХУНДОВ

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, инсон ҳаётида қолур бемазмун.

М.САЛМОН

Ватан учун чала иш қилиш, унинг учун ҳеч нима қилмасликдир.


М.РОБЕСПЕР

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликлариди акс этади.

Г.ГЕГЕЛ

Энг мақбул фазилат — ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

Ж.ДЕЛИЛ



(Ҳикоя)



Тафаккур дурдонаси

ОЗОДЛИК

У катта дарвоза олдида қаддини ростлади. Дарвозанинг икки томонида баҳайбат-баҳайбат икки киши турар, уларнинг вазоҳати ниҳоятда ғазабли эди.

У қўлларини силтаб, бармоқларини ўйнатди, қўлларининг кишанбанд эмаслигига, орқасига қараб ўзининг озод эканлигига ва уни энди ҳеч ким ушлаб турмаётганлигига ишонч ҳосил қилишга уриниб кўрди. Сўнг олға қараб қадам ташлади. Унинг кўзлари бугунги ёруғ, озод куёшнинг ёндирувчи нурлари билан тўқнашди.

Аввалгидан янада кучлироқ бўлган куёш нурларини тўсиш учун қўлини пешонасига қўйди. Орқасидан машъум қўл чўзилиб келиб, томоғидан бўғиб, кундузсиз тунча, зимистонга қайтаришларидан кўрқиб, шамолга қарама-қарши жадал одимлади.

Озодлик севинчи ва хуррият куёши қадрдон оиласи ва фарзандларини эсга солди. У ортга қарамас, олға, фақат олға одим ташлар эди.

Кўзлари ҳам надоматдан, ҳам чин озодлик севинчидан чақнар эди.

Араб тилидан Муртазо САЙДУМАРОВ таржимаси

МУАССИС:

Қарши давлат университети

ISSN 2181-7561

Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2007 йил 2 апрелда 14-035 рақами билан рўйхатга олинган

Жамоатчилик кенгаши:

Д.Х.НАБИЕВ,
О.КУЗИЕВ,
А.ХОЛМУРОДОВ,
Х.ДЖУРАЕВ,
И.БЕКПҲЛАТОВ,
А.НОРОВ,
Д.ТҲРАЕВ,
А.ЭРКАЕВ,
А.ШОДИЕВ.

Мухаррир: Фиёсиддин ШОДМОНОВ.

Таҳрир хайъати:

Л.ЎЗИЕВ,
Н.ШОДМОНОВ,
С.ЧОРИЕВ,
Х.ЖАББОРОВ,
Г.ИМОМОВА,
Ш.НУРИДДИНОВ,
Н.ЙҲЛДОШЕВА,
О.БҲРИЕВА,
Д.ШОДМОНОВА,
Ш.КАРОМОВА,
Ж.ИСМАТИЛЛОЕВ.

Газета ойда бир марта чиқади.

Адади:
1000 нусха
Чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти 2025 йил 27 август соат 15.00
Баҳоси келишилган нархда

Газета «Photo Express» ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уй.

Навбатчи: Ж.Исмотиллиев
Матн терувчи ва саҳифаловчи: М.Мусаев

Таҳририят манзили: Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Тел: (+99897) 382-21-31

Мурожаат учун бот: @qarshidupressbot
Email: qarun.gazeta@umail.uz
Буюртма №273.

